Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 4 июнь, шанба № 97—98 (21.702). Сотуада эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикамизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари конгресси сенатори Арлет Спектерни қабул қилди.

Суҳбат чоғида парламентлараро алоқаларни янада кенгайтириш, ҳар икки томон учун фойдали ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни катта таассурот қолдирганини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк иштирок этди.

* * *

Шу куни сенатор Арлет Спектер республика Олий Кенгашида ҳам қабул қилинди.

(ЎзА).

• Ташриф муносабати билан

КОРЕЯ МЎЪЖИЗАСИ

Хитой халқида дарёлар 30 йил Ғарбга, 30 йил эса Шарққа қараб оқади, деган нақл бор. Бу жаҳон тараққиёт марказларининг ўзгариб туришига бир шоирона ишорадир. Аниқ ҳисоб-китобни хуш кўрадиган олимлар эса жаҳонда тараққиёт маркази ҳар 800 йилда Ғарбдан Шарққа, Шарқдан эса Ғарбга кўчади, деган фикр билдиришган. Келгуси асрда иқтисодий ва маънавий юксалиш ўчоғи Шарққа кўчишини башорат қилаётган мутахассислар бу ўринда Осиёнинг Тинч океани минтақасида жойлашган Малайзия, Сингапур кабн мамлакатларни тилга оладилар. Осиёдаги айрим халқларда аждаҳо куч-қудрат рамзи ҳисобланади. Шу сабабли бўлса керак, келажаги нурафшон бу мамлакатларни «миттн аждаҳолар» деб аташ ҳам расм бўлаётир.

Шу «митти аждаҳолар»нинг яна бири Жанубий Кореядир. Корея ярим оролида жойлашган бу мамлакатнинг ҳудуди 99,1 минг квадрат километрдан иборат. Аҳолиси эса 43 миллион нафардан зиёд. Жаҳон маданияти ўчоқларидан бўлган бу мамлакатнинг давлатчилик тарихи жуда қадимий ва бой. Эрамиздан аввалги 2333 йилда Корея ҳудудида илк бор Чосон давлати барпо бўлган. Шундан сўнг Корея халқи Силла, Когуре, Пэкче, Пархэ, Бирлашган Силла Қироллиги, Коре, Чосон давлати, Тэхан империяси даврини бошдан кечирди. 1910—1945 йиллар Корея тарихида япон мустамлакачилари ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясида корейс халқи япон мустамлакасидан ҳалос бўлди. Бироқ, социалистик ва капиталистик тузум ўртасидаги зиддият оқибатида ягона халқ иккига бўлинди. Корея ярим оролида тузуми бир-бирига зид икки давлат яратилди. Корейс халқи ҳанузгача ана шу бўлиниш жабрини тортиб келаётир.

Корея Республикаси ташкил топган 1948 йилдан бўён ҳукумат мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга, фуқаролар учун яхши турмуш шароитлари яратишга интилиб келаи. Бироқ, табиий ресурсларнинг тақчиллиги, ички бозорнинг торлиги, иқтисодиётнинг издан чиққани, қолаверса, тажрибасизлик дастлабки кезларда бу эзгу ниятларни амалга оширишга тўсқинлик қилди. 60-йилларда мамлакат ислоҳот палласига кирди. Бу даврда Корея олдида икки йўл — ё ўз кучига ишониб, четдан товар олишни қисқартира бориш, ёхуд ташқи алоқаларга мўлжалланган сиёсатни афзал билиб, экспортни ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига босқичма-босқич қўшилиш муаммоси турар эди. Корея тараққиётнинг иккинчи йўлини маъқул кўрди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга асосланган сиёсат енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишни кучайтиришга таянган эди. Бу ишни амалга оширишда бозор механизмларидан кенг фойдаланилди. Ҳукумат тижорат банкларига фоиз ставкаларини 26 фоизгача оширишга ижозат берди. Мамлакатда ҳукуматнинг бу йўлини қувватламаган кучлар ҳам анчагина эди. Улар иқтисодиётда чет эл сармояси ҳиссасининг ортиб кетиши миллий мустақиллиқни барбод қилишини таъкидладилар. Дарҳақиқат, ўша йиллари мамлакат иқтисодиётида хориж сармояси ҳиссаси 83 фоизни ташкил этар эди. Аммо, ҳукуматнинг пухта иқтисодий сиёсати ўзининг амалий самараларини тезда намоён эта бошлади. Ялпи миллий маҳсулот йилига 8,7 фоиздан орта борди. 70-йилларда жаҳон иқтисодиётида юз берган маҳсулот танқислиги, нефть тақчиллиги, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг камайиб кетиши эндигина енгил нафас ола бошлаган Корея иқтисодиётини қаттиқ синовдан ўтказди.

Шундай мураккаб вазиятда ҳукуматнинг ислоҳотларни бошқариши муҳим аҳамият касб этди. 1985 йилга келиб, Кореяннинг ташқи қарзи 46,8 миллиард доллар эди. Бу—жаҳондаги қарздор мамлакатлар рўйхатида тўртинчи ўрин деганидир. Пул қадрсизланишининг олдини олиш, товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, экспортни ошира бориш натижасида Корея ташқи қарзларидан тезда қутила борди. 1989 йилга келиб эса қарзларини тўлаб бўлиш билан чекланиб қолмай, қарз берадиган мамлакатлар қаторидан ўрин олди. 1962 йилда ялпи миллий даромад 2,3 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 1992 йилга келиб бу кўрсаткич 295 миллиард доллардан иборат бўлди.

Жаҳонда Корея иқтисодий мўъжизаси ҳақида гапира бошладилар. Аммо, 90-йиллар бошларида мамлакат иқтисодиётида бироз турғунлик зоҳир бўла бошлади. 1992 йилнинг 18 декабрида мамлакатга Ким Ен Сам Президент этиб сайланди. У Корея тарихининг кейинги 33 йили ичида ҳарбий бўлмаган биринчи фуқаро Президент эди. Янги Президент маъмурияти иқтисодиётни янада жонлантириш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ким Ен Сам иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш эндиликда тараққиётга хизмат қилмаётганини инобатга олиб, ишбилармонликка кенгроқ эркинлик бериш лозимлигини таъкидлади. Президент ўзининг «янги иқтисодиёт» дастурини илгари сурдиким, бу «Янги Корея»ни барпо этиш режасининг таркибий қисмидир. Ислоҳотнинг дастлабки тадбирлари «юз кунлик режа»да мужассам бўлди. У иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг биринчи галдаги вазифаларини амалга оширишни кўзда тутар эди. Кейинроқ янги иқтисодиётни тараққий эттириш, бюджет, банк, маъмурий ва бошқа соҳаларни ислоҳ қилишга қаратилган беш йиллик режа ишлаб чиқилди.

Жанубий Корея бугунга келиб, юксак даражада тараққий этган саноат давлати сифатида танилди. Республика кемасозлик соҳасида дунёда етакчи ўринга чиқиб олди. Мамлакатда автомобилсозлик, радиоэлектроника, кимё, нефтни қайта ишлаш саноати жадал ривожланмоқда. Корея енгил саноат маҳсулотлари жаҳон бозорида рақобатбардошлиги билан танилди. Республика ҳудудининг чорак қисмида деҳқончилик қилиниб, пахта, шоли, арпа, буғдой, сабзавот ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олинмоқда.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлини танлади. Корея билан ҳамкорлик ўзаро фойдали бўлиши шубҳасиз эди. Шу сабабли икки мамлакат ўртасида яхши муносабатлар шаклланди. Корея Республикаси Осиё-Тинч океани мамлакатлари орасида биринчиларидан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йилнинг 29 январида Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилгани хусусида ҳужжат имзоланди. Ўша йилнинг июнь ойида Президентимиз Ислом Каримов Жанубий Кореяга расмий ташриф буюрди. Ушбу ташриф чоғида фан, техника, савдо, маданият, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик хусусида ҳамда сармояларни ҳимоялаш борасида бешта ўзаро ҳужжат имзоланди.

Жанубий Корея ишбилармонлари Ўзбекистоннинг имкониятларини биринчилардан бўлиб англаб етдилар ва иқтисодиётимизга сармоя киритишга ошиқдилар. Айни пайтда мамлакатимизда 15 дан зиёд Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, машинасозлик, электроника соҳаларини ривожлантиришда самарали ишлар қилмоқдалар.

Жанубий кореялик ишбилармонлар ўзбекистонлик ҳамкорлари билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришга интиляпти. Ана шу мақсадда республикамизга Жанубий Кореянинг бир қанча делегациялари ташриф буюрди. 1993 йилнинг июнь ва ноябрь ойларида ташриф буюрган Корея парламенти делегацияси ҳамда мамлакатдаги 170 қудратли корхона ва фирмаларни бирлаштирган «Жанубий Корея—МДҲ» иқтисодий ассоциацияси делегацияси шулар жумласидандир. Чонг Ван Чой раҳбарлигидаги «Жанубий Корея—МДҲ» иқтисодий ассоциацияси делегацияси ташрифи кунлари Ўзбекистон вазирликлари ва муассасалари вакиллари иштирокида қўшма семинар уюштирилди. Унда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Икки мамлакат халқлари ўртасида маданий алоқалар ҳам кўнгилдагидек ривожланяпти. Жанубий Кореянинг «С-Эс-Ти» фирмаси таклифига биноан «Ялла» вокал-чолғу ансамбли Кореяда Ўзбек санъатини намойиш қилиб қайтганига кўп вақт бўлгани йўқ. Республикамизда яшаётган 200 минг нафардан зиёд корейс миллатига мансуб фуқароларимиз манфаатларини ҳимоя қилувчи корейс маданий марказлари ассоциацияси бу борада катта ишларни амалга оширмоқда. Ушбу ассоциация Корея Республикасининг турли компаниялари, фирмалари, жамоат ташкилотлари билан иқтисодий, маданий, илмий алоқалар ўрнатган. Маълумки, ўзаро муносабатларнинг мустаҳкамланишида бошқа халқ маданияти, фани ва анъаналарини билиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли 1993 йилнинг 28 май куни Тошкентда Корея Республикаси маориф маркази очилди. Айни пайтда бу марказ ибратли ишларни амалга ошираётир. Ўтган йили давлат санъат музейида Корея зали очилдики, бу ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Унда Корея мусаввирларининг 300 дан зиёд асарлари намойиш этилди.

Икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида яқин муносабатлар шакланаётир. Тошкент шарқшунослик институтида дастлаб Корея Республикасини ўрганувчи гуруҳ ташкил этилган эди. Кейинчалик институтда кореяшунослик факультети барпо қилинди. Бу олий билимгоҳ Сеулдаги ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Алоқаларимиз ҳукуматлар даражасидагина эмас, корхоналар, жамоат ташкилотлари ўртасида ҳам ривожланмоқдаки, бу дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Тиббиёт соҳасида мутахассисларни ечишда кўмаклашиш учун келган сеуллик олти шифокор «Миконд» заводида бир ҳафта давомида ишчиларга бепул тиббий ёрдам кўрсатди. Шу йил бошида эса ўзбек шифокорлари Корея ҳукуматидан 100 минг долларлик тиббий ускуналар олдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар манфаатли асосда ривожланиб бораётир. Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг мамлакатимизга ташрифи бу ҳамкорлик алоқаларини янги поғонага кўтаради, деб ўйлаймиз.

Амирқул КАРИМ (ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика табиатни муҳофаза қилишдаги кўп йиллик самарали хизматлари учун қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Благовешченская Нина Николаевна — Сурхондарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси махсус таҳлилий назорат нозирлигининг бошлиғи

Каттахўжаев Жалолиддин Сайдалиевич — Андижон вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси

Мирзаакбаров Исломжон— Фарғона вилоят Риштон туманлараро табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси

Мустафоев Кубейсин Аблакимович — Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асраш бўйича биринчи тоифали мутахассиси, Судочье тезкор гуруҳининг бошлиғи

Нарзиев Искандар Иброҳимович — Бухоро вилоят Пешку—Шофиркон туманлараро табиатни муҳофаза қилиш нозирлигининг бошлиғи

Раҳимбоев Раҳимжон — Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг муовини

Савелло Владимир Леонидович — Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ер манбаларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш бош бошқармасининг бошлиғи

Самигулина Фаина Шайдуловна — Навоий вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси сув ресурсларини қўриқлаш нозирлигининг бошлиғи

Сатторов Абдуҳаким — Жиззах вилояти Зомин тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат назоратчиси

Сувонов Пирмамат — Қашқадарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси

Ҳайдаров Қудратилла — Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғиботи бўлимининг бошлиғи

Хаустова Нина Викторовна — Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш нозирлигининг бошлиғи

Холбеков Нажмиддин Сатторович — Сирдарё вилоят Ш. Рашидов тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бошлиғи

Шамсимуҳамедов Исмоил Усмонович — Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг олий тоифали мутахассиси

Юсупов Мамасодиқ — Хоразм вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи муовини

Ҳабибуллаев Асхад Шарипович — Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1994 йил 3 июнь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларини, ижара, фермер ва бошқа хўжаликларни бошоқли дон экинлари етиштиришни кўпайтиришга рағбатлантириш мақсадида ва моддий-техника ресурсларининг нархлари ошгани муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йил ҳосилидан бошлаб бошоқли дон экинларининг ўртача харид нархлари қуйидаги миқдорларда белгилансин:

Буғдой	—	тоннаси 500 минг сўм-купон
жавдар	—	тоннаси 475 минг сўм-купон
арпа ва сули	—	тоннаси 400 минг сўм-купон

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги бошоқли дон экинлари янги харид нархларининг прейскурантларини ишлаб чиқиб, тегишли вазирликлар ва идораларга етказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 апрелдаги 205-қарори билан тасдиқланган бошоқли дон экинларининг харид нархлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1994 йил 3 июнь

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига соғлиқ ва бахт, биродар Ўзбекистон халқига эса равнақ ва фаровонлик тилашдан мамнунман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Жазоир билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга ҳозирлигимни изҳор этмоқчиман.

Чуқур эҳтиром билан

Лямин ЗЕРУАЛ,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлар,

Муборак ийд ал адҳа тантаналари муносабати билан Филиппин халқи номидан самимий табриклар йўллайман, Сизга ва халқингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва фаровонлик тилайман.

Филиппин мусулмонлари кенг нишонлаётган бу байрам жаҳонда тинчлик, ўзаро бир-бирини англаш, муроса ва миллатлар бирдамлигини олиб келсин.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари янада муваффақиятли ривожланади деб умид қиламан.

Яшасин муборак ийд ал адҳа!

Фидел В. РАМОС,
Филиппин Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизни муборак Қурбон ҳайити муносабати билан қизғин табриклайман.

Сизга ва биродар Ўзбек халқига бахт, омад ёр бўлсин!

Абдур Раҳмон БИСВАС,
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

МАФКУРАВИЙ ДАСТУРИЛАМАЛ

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ўзининг 1993 йил 27 декабрида бўлиб ўтган IX пленумида республика Президенти, партия Раиси И. А. Каримов даъватига жавобан ишлаб чиқилган ҳужжат — Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасини қабул қилган эди. Куни кеча «Ўзбекистон» нашриёти бу ҳужжат матнини алоҳида китобча шаклида босмадан чиқарди.

Ўзбек тилида 20 минг нусхада нашр этилган ушбу рисоладан партиямиз мафкуравий ҳужжатидан ташқари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IX пленумининг шу масалага оид қарори ва Марказий Кенгаш биринчи котиби М. Расуловнинг сўзбошиси ўрин олган.

Рисола Ўзбекистон ХДП фаоллари, тарғиботчилар, мафкура ва маънавият масалалари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

Чой Син Джи: «ЎЗБЕКИСТОНГА МЕҲРИМ ОРТМОҚДА»

Истиқлол юртимиз жаҳонга тобора юз тутмоқда. Келажаги буюк ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида мовий-яшил байроғимиз ҳилпирамоқда. Юртимизга тараққий этган турли мамлакатлар раҳбарларининг ташриф буюриши, Президентимизнинг Англия, Франция, Хитой, Япония кабн тараққий этган мамлакатларга сафари ҳам барқарорликдан нишонадир. Шу кунларда Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг республикамизга расмий сафари бошланади. Шу муносабат билан Корея Республикасининг «Син Сан» фирмаси президенти Чой Син Джи ўз мулоҳазаларини баён этди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига Президентимиз Ким Ен Сам йўллаган миннатдорчилик мактубини ўқиб жуда таъсирландим,— дейди Чой Син Джи.— Жумладан, мактубда шундай фикрлар бор: «Умид қиламанки, менинг Ўзбекистонга ташрифим иккала мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни шубҳасиз мустаҳкамлайди ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни янада кучайтиради».

Ҳа, эзгу ниятлар билан барқарор ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликнинг истиқболли режаларини тузиш учун имкониятлар етарли. Мен буни Ўзбекистонга ҳар галги сафаримда қалбдан ҳис этмоқдаман.

Гапнинг сирасини айтадиган бўлсам, бу сафарги келишимда Ўзбекистонга меҳрим ортганини ҳис этдим. Энди хайрли ишларга қўл урриб, ўзаро борди-келди ва тижорат ишларини жадаллаштириш режаси ҳақида ўйламоқдаман.

Фирмамиз ташкил топганига 10 йилдан ошди. Бизда озиқ-овқат, турли кийим-кечаклар тайёрланади ва ишлаб чиқарилади. Айни пайтда воситачилик билан ҳам шуғулланамиз. Маҳсулотларимиз Ўзбекистон халқига ҳам маъқул келмоқда. Фирмамизнинг йиллик айланма жамғармаси 600 миллион долларни ташкил этади. Биз Япония, АҚШ, Сингапур, Гонконг, Филиппин, Польша, Финляндия ва Россия билан ҳам алоқа ўрнатганмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Каримовнинг Корея Республикасига ташриф буюриши чоғида мустақил мамлакатингиз ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўлгандик. Тадбиркор, ишбилармон ва тижоратчилар ўша вақтдаёқ Ўзбекистон ҳамкорлик учун ажойиб юрт эканлигини эътироф этгандилар. Бу мамлакатда хориж билан ўзаро борди-келдиларни янада яхшилаш, ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид муҳим қарор ва ҳужжатларнинг эълон қилинаётгани айни муддао бўлмоқда. Хусусан, чет эл инвестицияси ҳақидаги ҳужжатнинг эълон қилиниши хорижий тадбиркорларга маъқул келди.

Корейс халқи Ўзбекистоннинг бой маданий меросига катта қизиқиш билан қарамоқда. Ўйлайманки, яқин келажакда ўзаро маданий алоқалар учун кенг уфқлар очилиб мамлакатларимиз ўртасида хайрли сафарлар учун имкониятлар яратилади. Фирмамиз доирасида мамлакатингизда қўшма корхона очиш тараддудидамиз. Ҳозирча ишлаб чиқараётган товарларимиз сўм-купон ҳисобида сотилмоқда. Бундан Ўзбекистонлик харидорлар мамнун. Лекин, мамлакатда миллий пул муомаласининг йўлга қўйилиши билан бундай ўзига хос ноқулайликлар бартараф этилади, деган умиддаман.

Фирмамиз «Узлегимпэк» республика ташқи иқтисодий фирмаси билан ўзаро алоқани мустаҳкамлаб, фаолиятни янада кенгайтиришга ҳаракат қилаверади. Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи эса ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Н. ҲАЙДАРОВ.

Борис ПАК

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ ЕН САМга

Жаноб Президент,
Жаноб Ким Ен Сам!
Еш, мустақил, кучи
Билакдан тошган
Йўллари чароғон,
Нияти холис,
Ўзбекистон сизни
Қутлар чин дилдан!
Хуш келибсиз,
Хандон келибсиз!
Бунда муҳайёдир ҳаммаси: қирмиз,
Жилвагар олтину, пахта, қорамой,
Турфа-чаман маъдан
Ҳамда қизил мис.
Ўзбекистон бу кун
Бамисли Семург,—
Учқур қанотидан тўкилар шамол.
Тўкин дастурхони
қалбидай очиқ,
Доно одамлари дилкаш ва ҳалол.
Аммо унинг учун
энг сарбаланд тоғ.
Ва энг юксак чўққи,
Дўстликдир ҳар чоқ!
Дўстлик бу ҳур юртда атиргул каби
Мудом яшнаб турар
Кўркам ва нафис.
Дўстлик деп урар юраги, қалби:
Хуш келибсиз,
Хандон келибсиз!

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 86-модда; № 8, 191-модда; 1992 йил, № 4, 177-модда; № 9, 337-модда; 1993 йил, № 1, 20-модда; № 6, 240-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. Муқаддима учинчи хатбошисидаги «чет эл валютаси тушумидан олинадиган солиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 2-модда чиқариб ташлансин.

3. 6-модда қуйидаги мазмундаги 7-банд билан тўлдирилсин:

«7) жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қишлоқ хўжалиги фаолиятидан олган даромадларига — 3 фоиз ставка бўйича солиқ солинади».

4. 12-модда қуйидаги мазмундаги хатбоши ва иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«оборот маблағларини кўпайтиришга қаратилган даромад суммасига.

Ушбу моддага мувофиқ берилаётган солиққа доир имтиёзларни эътиборга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган даромадларга солинадиган солиқнинг умумий суммаси имтиёзларни эътиборга олмаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ҳисоб-китоб суммасининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак».

5. 19-модданинг:

биринчи қисми 27-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27) Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим ой ва «Ёдгорлик» жамиятлари, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси корхоналарининг маҳсулотлари ва хизматлари — солиқдан озод қилинган маблағлар жамиятлар, уюшма ва жамғарманинг устав вазифаларини бажаришга ишлатилиши шарти билан;»

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 35 ва 36-бандлар билан тўлдирилсин:

«35) Ўзбекистон Автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамиятига қарашли машиналар турадиган жойларда автотранспортни сақлаш учун кўрсатилган хизматлар;

36) давлат тилини ўқитиш ва иш қоғозларини давлат тилида юритишга ўргатиш борасидаги хизматлар».

6. IV[1] боб чиқариб ташлансин.

7. 30-моддадаги «8» рақами «15» рақами билан алмаштирилсин.

8. 33-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати корхоналар мулкига солиқ солиш объекти ҳисобланади».

9. 41-модда 1-бандининг иккинчи қисмидаги «0,5» рақами «0,2» рақами билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 май.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ОПЕРАЦИЯЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар ва солиқ тўловчилар

Солиқ тўловчининг шартнома тузиш ва эмиссия маълумотномасини рўйхатдан ўтказиш воситасида қимматли қоғозларга нисбатан мулкий ҳуқуқларни юзага келтиришга қаратилган ҳаракатлари ёки ниятлари қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар деб эътироф этилади.

Ушбу операцияларни белгиланган тартибда амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар учун солиқ тўловчилар ҳисобланадилар.

2-модда. Солиқ солиш объектлари

Шартноманинг баҳоси ва эмиссия маълумотномасини рўйхатдан ўтказиш ушбу Қонунга мувофиқ солиқ солиш объектлари ҳисобланади.

3-модда. Солиқ ставкалари

Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ қуйидаги ставкалар бўйича ундирилади:

эмитентдан қимматли қоғозлар эмиссия (чиқариш) маълумотномасини рўйхатдан ўтказишда эмиссия номинал қийматининг 0,5 фоизи миқдорида. Эмиссия маълумотномасини рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда тўланган солиқ қайтариб берилмайди;

давлат қимматли қоғозларини сотиб олувчилардан битим суммасининг 0,1 фоизи миқдорида;

битим қатнашчиларининг ҳар биридан қимматли қоғозлар олди-сотдиси юзасидан шартнома тузишда битим суммасининг 0,3 фоизи миқдорида.

4-модда. Солиқ имтиёзлари

Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқни тўлашдан қуйидагилар озод қилинадилар:

акциядорлик жамияти томонидан илк бор чиқарилган акцияларни бу жамият давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар;

мижознинг ҳисобидан ва унинг топшириғига биноан қимматли қоғозлар билан белгиланган тартибда воситачилик операцияларини амалга оширувчи юридик шахслар.

5-модда. Солиқ суммасини белгилаш

Солиқ тўловчилар солиқ суммасини мустақил равишда, битимларнинг ҳақиқий суммасига ва тегишли солиқ ставкасига қараб ҳисоблаб чиқарадилар.

Қимматли қоғозлар билан чет эл валютасида амалга оширилган операциялардан олинадиган солиқ мазкур операция ўтказилган кунда валютанинг расмий белгиланган курсига қараб Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигида ҳисоблаб чиқарилади.

6-модда. Солиқ тўлаш тартиби ва муддатлари

Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ мазкур операциялар рўйхатга олинаётган чоғда солиқ тўловчилар томонидан тўланади ва уч кунлик муддат ичида қуйидагилар томонидан республика бюджетига ўтказилади:

биржа бозорида битимлар тузишда фонд биржалари ҳамда товар биржалари ва бошқа биржаларнинг фонд бўлимлари томонидан;

эмитентлар, қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари амалга ошириладиган операцияларни рўйхатга олувчи ва расмийлаштирувчи банк муассасалари ва бошқа муассасалар, шу жумладан воситачи муассасалар томонидан.

Қимматли қоғозлар дастлабки эмиссияси амалга оширилганда ҳар бир тузилган битим юзасидан олинадиган ҳақ тарзидаги солиқ қимматли қоғозларни сотиб олувчилардангина ундирилади.

Давлат қимматли қоғозлари билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ сотиб олувчилардангина ҳар бир битимдан ундирилади.

7-модда. Солиқ тўловчининг жавобгарлиги

Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашдаги хатоликлар учун солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8-модда. Солиқ тўланишини назорат қилиш

Солиқ тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни солиқ органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ОПЕРАЦИЯЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1994 йил 1 июндан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ойлик муддат ичида:

қонунларни «Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритсин;

ҳукуматнинг қарорларини «Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқиши ва бекор қилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қонунлар «Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Тошлоқ туманидаги «Заркент» жамоа хўжалигининг «Янги йўл» бўлими пиллакорлари водийда биринчи бўлиб олий навли сара уруғлик пилла териш мавсумини бошлаб юборди. Қариб ярим асрдан буён пилла етиштириш билан машғул бўлган Турсунбой ота Юнусов оиласида уруғлик пиллани теришга биринчи бўлиб киришилди. Бир қути ипак қурти уруғини парваришлаган оила аъзолари шу куни қабул пунктига 85 килограммдан зиёд олий навли пилла териб топширди.

Суратда: илғор пиллакор Турсунбой Юнусов оила аъзолари даврасида.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.



● ПАРТИЯ ТАШАББУСИ БИЛАН

ОНАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Тошлоқ туманидаги Боймат Шерматов номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ХДП Дастурида кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш, республикамиз Президенти томонидан чиқарилаётган Фармон ва қарорларни ҳаётга татбиқ этиш борасида жамоа хўжалиги бошқаруви ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўпгина хайрли тадбирларга бош-қош бўлмоқда.

Куни-кеча бошланғич партия ташкилоти бюросининг навбатдаги мажлисида бундан буён жамоа хўжалигида меҳнат қилаётган оналарни ҳомиладорлик таътилига илгаригидек етти ойда эмас, балки беш ойда чиқариш ҳақидаги ташаббус кўриб чиқилди. Бу ҳақдаги қарор тавсия тарзида хўжалик бошқаруви ва касаба уюшмаси эътиборига ҳавола этилди. Ташаббус бошқарув ҳайъати раиси, ХДП аъзоси Йўлдошали Эрматовга ҳам маъқул тушиб, бошланғич партия ташкилоти, жамоа хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшмасининг қўшма қарори қабул қилинди. Муддатидан икки ой илгари таътилга чиқариладиган оналарнинг икки ойлик маошини тўлашни хўжалик бошқаруви ўз зиммасига олди.

Азим ПЎЛАТОВ.

● *Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши X пленуми қарорлари—ҳаётга!*

ҲАР БИР ЁШ ЎЗ ЎРНИНИ ТОПСИН

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ВИЛОЯТ ТАШКИЛОТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ҲАҚИДА

Вилоятдан сайланган делегатлар қатори мен ҳам Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг XXVI қурултойида қатнашиб қайтдим. Республикамиз Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримовнинг қурултой қатнашчиларига табригида, Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котибининг маърузасида, қурултойнинг бошқа ҳужжатларида келажаги буюк давлатни бунёд этишдек муқаддас ишда шу бугунги кунда Ёшлар Иттифоқи олдида турган вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди.

Бинобарин, тарих олдимизга қўйган бу улуғвор вазифаларнинг асосий қисмини мамлакатимиз аҳолисининг тенг ярмини, вилоятимиз аҳолисининг эса 55 фоизини ташкил қиладиган ўн саккиз ёшгача бўлган авлод амалга оширади. Ёшларни шу мақсадлар сари йўналтириш ҳокимият идоралари, барча жамоат ташкилотлари, жумладан, партиямиз ҳар бир аъзосининг бурчи ва вазифасидир.

Ўзбекистон ХДП Дастурида ёшлар сиёсатига кенг ўрин берилиб, партия ижтимоий адолат ва тараққиёт учун курашаётган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотларини фаол қўллаб-қувватлашга интилади, деб ёзилгани бежиз эмас.

Ҳозир барча бўғиндаги партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида иш олиб боришяпти. Ушбу шартнома ўз вақтида партия кенгашлари ва Ёшлар Иттифоқи шаҳар, туман қўмиталари билан биргаликда ўтказилган ҳамда пленумларда, бюро йиғилишларида кўриб чиқилиб, уни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган эди. Шартнома бандлари бўйича муайян ишлар қилинди, ҳар бир туманда, шаҳарда бу борада ижобий тажрибалар тўпланди, ҳамкорлик яхшиланди. Ёшлар Иттифоқининг барча шаҳар ва туман қўмиталари котиблари Ўзбекистон ХДП аъзоси, кўплари партия кенгашларига ва ижроия бюро аъзолигига сайланган, партия кенгашлари котиблари, масъул ходимлари эса Ёшлар Иттифоқи қўмиталарининг бюро аъзолари қилиб сайланган.

Вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари шартномага мувофиқ амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, янги йўналишларни аниқлаш мақсадида шу йилнинг биринчи ярмида қўшма пленумлар ўтказишни режалаштириб қўйишди. Пленумларда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон ХДП ва Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари ҳамда уларнинг аъзолари томонидан қилинган ишлар таҳлили, ёш авлодни Миллий истиқлол мафкураси асосида фуқаролик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш йўлларини белгилаб олиш, тадбиркорлик, фермерликни, мулчиликнинг бошқа шаклларини ривожлантиришда кўмаклашиш, турар жойларда ўсмирлар ва ёшлар билан ишлашда куч-ғайратларни бирҳам партияга кираётганларнинг учдан икки қисми ёшлардан иборат бўлди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари орасида ҳам партияга қизиқиш ортиб боряпти.

Вилоят партия кенгаши «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунни тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ҳокимлик, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, Ёшлар Иттифоқи, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда вилоят телевидениесида қатор кўрсатувлар режалаштирганди. Ҳозиргача ёш. лар муаммоларига бағишланган ана шундай учта кўрсатув уюштирилди.

Аҳоли истиқомат жойларида, маҳаллаларда тузилган ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятида ёшлар билан ишлаш масалалари асосий ўрин эгаллаяпти. Ёшларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, турли учрашувлар, қизиқарли суҳбатлар ўтказиш, Ёшлар куни, умумхалқ байрамларини нишонлаш ва бошқа тадбирларда партия ташкилотлари ташаббускор бўлмоқда.

Шовот туманида ёшлар ташкилоти билан туман партия кенгаши ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Биронта тадбир йўқки, партия ташкилоти қатнашмаган бўлсин. Яқинда партия кенгаши туман ёшлар қўмитаси билан биргаликда иқтидорли ижодкор ёшларни тақдирлаб бориш мақсадида «Ижодкор» жамғармасини ташкил қилди. Ҳар йили энг иқтидорли, ижодда муваффақиятга эришаётган ёшлар танлаб олиниб, уларга 150 минг сўмдан мукофот берилади. Партия кенгаши туманда «Ёшлар жамғармаси»ни ташкил этиб, унинг фаолиятини йўлга қўйишни ҳам ўз зиммасига олган.

Янгиариқ туман партия кенгаши тумандан республика олимпиадасида қатнашган иқтидорли ўқувчиларга ойига 5 минг сўмдан стипендия тайинлади. Бу ерда ҳам иқтидорли ёшларни излаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама ёрдам бериш ишлари ҳудудий партия ташкилотлари томонидан ота. лиққа олинган.

Урганч туман партия кенгаши Ёшлар Иттифоқи қўмитаси билан биргаликда ногирон иқтидорли ёшлар учун «Меҳрибонлик» хайрия тадбирларини ўтказди. Бунда ёш ижодкорларнинг санъат асарлари кўргазмаси, бадиий ўқиш, мусиқа санъатини намойиш қилиш тадбири уюштирилиб, санъат асарларининг ким ошди савдосидан тушган 750 минг сўмлик маблағ ва совғалар ёшларга берилди. Туманда фаолият кўр. сатаётган «Камалак» ёшлар уюшмаси ҳам партия кенгаши томонидан оталиққа олинган.

Лекин ҳали ҳамма ерда ҳам партия ташкилотлари ва Ёшлар Иттифоқи қўмиталари ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида, деб бўлмайди. Икки йирик ташкилот ўртасида тузилган шартномаларнинг барча бандлари тўлалигича бажарилаётгани йўқ, ёшлар ўртасида қонунбузарлик ҳолларига чек қўйилмаган. Аввалдан қўлланилиб келинаётган самарали иш услубларига аҳамият берилмаяпти. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида баъзи бир ёшларимиз илм олишга эътибор бермай қўйяптилар.

Ҳозирги кунда ҳокимият идоралари, партия, жамоат ташкилотлари, барчамизнинг мақсадимиз вилоят ёшлар ташкилотини ватанпарвар ва фидойи, юрт равнақи учун жонини ҳам аямайдиган, миллий қадриятларимиз, қадимий анъаналаримизга садоқатли, ғурур ва шижоатли, ташаббускор, тадбиркор ва уддабурон, меҳр-оқибатли йигит ва қизларни бирлаштирувчи ташкилотга айлантиришдир. Ушбу ташкилот аъзоси бўлмиш ҳар бир фуқаро эса энг аввало, Президентимизнинг ёшларга билдирган ишончи ва эътиборини оқлаб, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ўз ўринларини топишлари зарур. Зеро, келажаги буюк давлатнинг яратувчилари бўлмиш ёшлар бунинг учун астойдил ҳаракат қилишлари, тинмасдан ўқиб-ўрганиб, билим олишлари, бозор иқтисодиёти негизларини чуқур эгаллашлари керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган тараққий этган давлатлар ютуқларини таҳлил қилсак, уларда билим, таълим-тарбия ҳамма нарсадан устун турганлигини, бу масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўрамиз. Демак, энг аввало, ўқишга ҳаваси пасайиб кетаётган ёшларни тўғри йўлга солишимиз, ўқишга нисбатан муносабатни бутунлай ўзгартиришимиз лозим.

Яна бир муҳим масала Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш. дир. Чунки бу мафкура ўз она юртидан, истиқлолдан фахрланиш туйғуларини шакллантиради, миллий ифтихор, ғурур, ватанпарварлик, меҳнатни улуғлаш, оналарга муҳаббат, инсонпарварлик каби ҳаётбахш ғояларни сингдиради. Ана шундай фазилатларга эга бўлган ёшларгина Ватанимизнинг ҳақиқий келажагидир. Шундай ёшларни тарбиялаш, вояга етказиш барчамизнинг биринчи даражали вазифамиздир.

Партиямиз Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Бугунги қийинчиликларни енгишга жонини тиккан, иродаси мустаҳкам ёш авлодга таянамиз, уларга ҳаётда ҳар томонлама йўл очиб беришга тайёрмиз. Шундай одамлар билангина мақсадимизга етамиз», деган сўзлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши X пленуми ҳамда Республика Ёшлар Иттифоқи XXVI қурултойи қарорларини ҳаётга татбиқ этишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек тарихий ва муқаддас вазифани адо этишда ҳамкорликнинг нақадар зарур ва қудратли куч эканлигини тушуниб, ҳис этиб, идрок қилиб ишлаш қалбимизга илҳом ва ишонч бахш этади.

Ғайрат МАШАРИПОВ,
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби.

● *5 июнь—Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни*

ТАБИАТ ИНЪОМИ

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш экологик вазиятни соғломлаштиришда катта ўрин тутади. Бу сув, ер манбалари, ҳавони қўриқлашдек муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Фанлар академияси жуғрофия бўлимига қарашли «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» лабораториясининг сув муаммолари ва сув манбаларини қўриқлаш лабораторияси билан биргаликда дала шароитида ўтказилган тадқиқотлари республикамиз ҳудудларида 400 дан ортиқ табиатнинг ноёб объекти борлигини аниқлаш имконини берди.

Маълум бўлишича, бундай ёдгорликлар ҳар бир вилоятда мавжуд экан. Жумладан, Тошкент вилояти ҳудудларидаги диққатга сазовор ёдгорликлар, Амир Темур ғори, динозавр майдони, «Қирқ қиз» геологик очилмалари бўлиб, «Инсон ва биосфера» Ўзбекистон қўмитаси йиғилишида улар ЮНЕСКО томонидан яратилаётган «Бутун жаҳон мероси рўйхати»га киритиш учун тавсия этилди.

Собиқ Совет Иттифоқи 1989 йилдаёқ «Бутун дунё табиий-маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ЮНЕСКО битими иштирокчиси бўлган эди. Мазкур битимга биноан ҳукуматлараро қўмита таъсис этилганди. «Бутун жаҳон мероси рўйхати»ни тузиш ана шу қўмита шуғулланадиган вазифалар жумласига киради.

Бу рўйхат ўз ичига нималарни олади? Аввало, жисмоний ва биологик шакланиш туфайли юзага келган, илмий эстетик жиҳатдан катта аҳамиятга молик ёдгорликлар, ҳайвонот ва наботот оламининг ноёб турлари яшайдиган ерлар, шунингдек, ажойиб табиий минтақалар, геологик қазилма олиб борилган жойлар ана шу рўйхатга киритилиши лозим. Каржонтов, Угом, Чоткол, Псков ва Кўксувдан иборат тоғли ҳудудлар Тянь-Шаннинг ғарбий қисми ҳисобланади. Чоткол, Псков сойлари ва уларга оқиб тушадиган ирмоқларнинг юқори қисмларида шалолалар, булоқлар, унгурлар кўп бўлиб, бу ерларда ёғи дам олишни кўнгилли, мароқли ўтказиш мумкин. Агар узоқ ерларга бориб, ҳордиқ чиқариш ниҳоятда қимматлигини таъкидлайдиган бўлсак, бундай диққатга сазовор масканларнинг аҳамияти янада ортади. Шу нуқтаи назардан қараганда, биз тилга олган ерлардаги «Гулкам», «Обираҳмат», «Шерхона» каби шалола ва ғорлар дам олувчилар эътиборини жалб этмай қўймайди.

Тошкент вилоятининг пастекислик қисмида, яъни Оҳангарон дарёси водийсида Кўлбулоқ деб аталган палеолит манзили жойлашган. Ўтмишшуносликка доир бу қазилма турли геологик даврлар тўғрисида қимматли ахборотлар беради. Очиқ маданий қатламлардан олинган кўплаб тош заҳиралари бу водийда одам қадимдан яшашидан далолат беради. Тош қуроллар орасида бир замонлар инсон овқат сифатида фойдаланган жониворлар суякларининг қолдиқлари борки, бу юқорида билдирилган фикримизни тасдиқлайди.

«Бутун жаҳон мероси рўйхати»га Кўлбулоқ палеолит манзилидан яна қандай табиий ёдгорликлар тавсия этилди? Булар Амир Темур ғори, динозаврлар майдони, «Қирқ қиз» геологик очилмаларидир. Биринчи ёдгорлик Қоратепа тизмасининг Қашқадарё вилояти ҳудудларига қарашли жанубий ёнбағирларига жойлашган. Амир Темур ғори унча катта бўлмаган юқори Тарағай ва ўнг Ғовхона сойларининг юқори қисмидаги палеозой оҳаклари чиққан тик тоғликларда шаклланган. У бир-биридан ажралиб турувчи икки қисм — ерости йўли ва ғор-дан иборат. Асосий ғор Амир Темур номи билан катта Унгур деб аталган. Уни кўп хонали ва кўп қаватли мураккаб табиий иншоот, деса ҳам бўлади. Полдан томига қадар баландлиги камида 45 метр бўлиб, маҳаллий аҳоли ўртасида байрам кунларида томоша қилинадиган жой сифатида машҳур. Ғордан ўтган йўлакларда оҳак қолдиқлари учрайдики, улар ўрганиш ва муҳофаза қилишни тақозо этади.

«Қирқ қиз» геологик очилмалари Жиззах вилояти Бахмал туманидаги Зомин қўриқхонасининг Туркистон тоғ тизмалари қияликларида жойлашган. Бу табиий ёдгорлик ўпирилма тарзидаги очилмадир. Емирилиш жараёнлари бу ерда қатламли тузилмалар шаклланишига имкон берган. Ўттизга яқин турли-туман шаклларнинг пайдо бўлиши бундан далолат беради.

Тошқўрғондаги динозаврлар майдони (Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани) шу номдаги қишлоқ яқинидаги Ҳисор биосфера қўриқхонаси ҳудудларида жойлашган. Қадим замонда яшаган икки оёқли динозаврларнинг излари 70-йиллар бошида аниқланган эди. Тўпланган маълумотларни илмий жиҳатдан ўрганиш йирик карнозаврларнинг янги турини аниқлаш имконини берди. Юқорида тилга олинган ерларда улар оёғининг 48 та изи қайд этилди.

Ўтказилган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари давлатимиз табиий ёдгорликлари «Қизил китоби»ни яратишга асос қилиб олинди. Бу китобнинг нашр этилиши атроф-муҳитни муҳофаза қилишдек муҳим ишга қўшилган муносиб ҳисса бўлади, деб ўйлаймиз.

Б. БАҲРИТДИНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси жуғрофия бўлими лабораторияси мудири, жуғрофия фанлари номзоди.

Э. ЧЕМБАРИСОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси сув муаммолари институти лабораторияси мудири, жуғрофия фанлари доктори.

БЕШИНЧИ КОТИБА

Фарғона вилояти Охунбобоев туман кенгашининг пленумида янги «биринчи» сайланди. М. Мамазокиров бошқа ишга ўтганлиги сабабли бу лавозимга Гулнора Эргашева лойиқ топилди. У бунгача иккинчи котиб эди.

Ун икки йилдан бери партия ишларида суяги қотган Гулнорахоннинг режалари катта. У ХДП нуфузини ошириш учун бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирмоқчи.

— Сафларни ўстириш асосий вазифа бўлиб қолаверади, — дейди Г. Эргашева.

Гулнорахон вилоятдаги туман кенгашларини бошқараётган бешинчи котибадир.

— Астойдил ишлашга барча имкониятларим бор. Худога шукур, қизларим рўзғорга кўмаклашади. Энг кичиги ҳам ўнинчи синфни битиряпти. Турмуш ўртоғим эса тушунган одам, — деди у.

— Аёл бошингиз билан қийналмайсизми? — деган савол лимизга ана шундай жавоб олдик.

Пленумда ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов нутқ сўзлади. У Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этишда партия кенгашларининг вазифалари ҳақида алоҳида тўхталди.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 61

1994 йил 4 июнь

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ



Корея Республикаси Президенти

Ким Ен Сам

жаноби олийларининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифини қутлаймиз!



Жаҳон бозори сари йўл шундайки, унда тасодифий қийинчиликлар, кутилмаган чигалликлар юз бериши эҳтимолдан холи эмас.

Бу йўлни муваффақиятли босиб ўтишда Сизга тажрибали ҳамроҳ – "Самсунг Корпорейшн" фирмаси ёрдам беради. Мазкур фирма халқаро савдо–сотиқ ишларида 55 йиллик тажрибага эга.

Жаҳон бозорида қийинчиликларни енгиб ўтиб, ютуққа эришмоқчи бўлганларга "Самсунг Корпорейшн" рисоладаги чинакам ҳамкордир!

SAMSUNG CORPORATION

C.P.O. BOX 1144 SEOUL KOREA TEL. 751-3266 TELEX: STARS K23657 FAX: 728-4381

TASHKENT OFFICE: 700003 TASHKENT, UZBEKISTANSKI PROSPECT 45, UZBEKISTAN TEL: (3712) 45-90-79 FAX: (3712) 45-62-79







КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

КИМ ЕН САМ

ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИНИ ҚУТЛАЙМИЗ.

(4 июнь - 6 июнь)

DAEWOO



Президент КИМ ЕН САМ ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифлари муносабати билан энг яхши тилакларни билдирамиз

DAEWOO

Савдо–лойиҳа ташкилотлари *
Қурилиш * Оғир машинасозлик *
Маиший электроника ва электротехника *
Телеалоқа асбоб–ускуналари *
Автомобилсозлик * Кемасозлик *
Меҳмонхоналар * Молиявий фаолият

ДЭУ ЕЧИМНИ ТОПАДИ



Муаммолар ечими. Бу Ер куррасидаги миллионлаб одамларга "ДЭУ" таклиф этаётган нарсадир. Қуйидагилар шулардан айримлари: "ДЭУ"нинг турли мамлакатларда бунёд этилаётган автомобилсозлик заводларида аҳолининг кенг қатламлари учун ҳаммабоп кичик литражли автомобиллар билан бир қаторда ўрта тоифали юксак сифатли енгил автомобиллар ишлаб чиқарилади; "ДЭУ" ишлаб чиқарган телевизорлар, видеомагнитофонлар, видеокамералар, аудиосистемалар, компьютерлар ва микротўлқинли печлар жаҳондаги 100 дан ортиқ мамлакатлар истеъмолчилари эҳтиёжини қондирмоқда; "ДЭУ"нинг телефон станцияларни сигнал ўзгартириш ва қайта ўзгартириш замонавий рақамли тизимлари билан жиҳозлаш қурилмалари кўпгина мамлакатларда алоқани такомиллаштиришда муҳим босқич бўлди. Йирик кемасоз сифатида, 1995 йилдан бошлаб халқаро андозаларни кучайтиришга тайёр бўлган "ДЭУ" иккита йирик тоннажли қўш корпусли нефть танкерини қурди. Йўл транспорти ривожи муҳим муаммолардан бири бўлган мамлакатда "ДЭУ" 92 кўприк ва узунлиги 340 километрлик 4 қаторли катта йўл қурилишини молиявий таъминламоқда ва бунёд этмоқда. Америкалик ва европалик самолётсозларга "ДЭУ" сифат жиҳатидан андозалардан юксак бўлган авиаконструкция деталларини етказиб бермоқда. Шунингдек, "ДЭУ" мижозларга кўп томонлама савдо операцияларини ташкил этиш ва молиявий таъминлаш бўйича ёрдам бераяпти.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар.

Индекс: 75487.

• *Соғлом авлод учун*

НАСЛИНГ — АСЛИНГ

Газетамизнинг шу йил 17 май сонида тиббиёт фанлари доктори, профессор Наби Мажидов ва доцент Х. Ҳалимоваларнинг «Қариндошга қуда бўлгунча...» сарлавҳали мақоласи эълон қилингач, муштарийлардан бир қанча мактублар олдик. Газетхонларимиз насл хасталиклари ва уларнинг оқибати хусусида кенгроқ, батафсилроқ маълумотлар беришимизни сўрашган. Шу бонс мазкур мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг дастлабки давриданоқ давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири — ёш авлодни, соғлом авлодни тарбиялаш деб билди. Зеро, авлоди соғлом юртнинг келажаги ҳам шубҳасиз буюк бўлади. Бу ҳаракат жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Бутун мамлакат бўйлаб соғлом авлод камолоти учун самарали ва ибратли ишлар бошланди. Яқиндагина мустақил давлатимиз ўзининг биринчи ордени — «Соғлом авлод учун» юксак нишонига сазовор бўлган фидойи, болажон, меҳр-мурувватли кишиларни муборакбод этди. Бу ишларнинг бошида Президент Ислом Каримов турганлиги эса кишини янада тўлқинлантиради.

«Жамиятнинг ҳақиқий бойлиги бу — Инсон ва унинг авлодидир. Кишилик жамияти юртига, Ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан фахрланади... Давлатимизнинг биринчи юксак нишони бўлмиш «Соғлом авлод учун» ордени ҳам Инсон тақдирини, жамият тақдирини, олдимизда турган улуғ мақсадларни кўзлаб таъсис этилди», деди Президентимиз «Соғлом авлод учун» орденини топшириш маросимида.

Чиндан ҳам сўнгги пайтларда мамлакатимизда бу борада катта ишлар қилинмоқда. Соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ илмий анжуманлар, оммавий йиғинлар ўтмоқда. Матбуот, радио ва телевидение мазкур ҳаракатнинг боришини мунтазам ёритиб келаётир. Олимлар, мутахассислар, жамоат арбоблари, тажрибали кексалар ўз қиммати фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. Шу зайл соғлом авлодни тарбиялаш миллий концепцияси яратилади. Бу эртанги кун янада гўзалроқ бўлишидан даракдир.

Биз ҳам шу юрт камоли учун жон куйдириб яшаётган кишилар сифатида унинг катта ишида, улуғ саъй-ҳаракатида ўз тафаккур ва тасаввуримиз, ҳаётий кузатишларимиз доирасида камтарин улуш қўшиш мақсадида айрим фикрларни баён қилмоқдамиз.

Ишни дунёга келган авлодни соғлом тарбиялашдан эмас, аввало туғилажак авлодни соғлом дунёга келишидан бошламоғимиз лозим. Бу эса, табиийки, биринчи галда насл билан чамбарчас боғлиқдир. Насл билан боғлиқ жараёнлар бирмунча мураккаб ва теранлиги боис улар хусусидаги мулоҳазаларимиз бир қадар илмийроқ бўлади. Буни эса масаланинг тиббиёт нуқтаи назаридан тасаввур этиш учун ишончли усул деб ўйладик.

Маълумки, ҳар бир организм, шу жумладан одам организми ҳам аждодлардан суяк суриб келаётган ҳам яхши, ҳам ёмон белгиларни сақлаб, уларни бўғиндан-бўғинга, наслдан наслга ўтказиб боради. Кўпгина муҳим илмий янгиликлар, синашта тажрибалар одамнинг мўътадил ва касалланган ҳолатларида ирсиятнинг аҳамияти тўғрисидаги янгича тасаввурлар яратиб берди. Нима учун айрим оилаларда фақат ўғил болалар туғилади! Нега гоҳо биринчи чақалоқнинг сочи ва кўзлари қораю, иккинчисининг кўзи кўк бўлади! Истеъдодли ва иқтидорга мойил оилаларда шундай болалар туғилиши мумкинми? Ирсий касалликларга чалинган оилаларда қайси сабабларга кўра касаллик уларнинг фарзандларига ўтади ва бунинг олдини олиш имкониятлари борми? Бундай ва бошқа саволларга фан эндиликда жавоб бера олади.

Муайян авлодларга хос ташқи кўриниш, белгилар, ички органлар тузилиши, организмда шу авлодгагина хос модда алмашинуви, мазкур авлодга хос феъл-атвор, истеъдод ва ҳоказолар маълум даражада зурриётга ўтади. Айни чоғда, шу авлодга хос оғир касалликларга мойиллик ҳам зурриётга кўчади. Замонавий тиббиёт фанида доминант (белгиловчи) ген деган тушунча борки, унга кўра маълум бир касаллик генига дучор бўлган ота ёхуд она шу хасталик асоратини ўзида ва ўз болаларида юз бераётганини кўради. Рецессив ген деган тушунчада эса шу генга дучор бўлганларнинг ўзлари соғлом бўладилару, улардан туғилаётган болаларнинг 25 фоизи касал бўлиб туғиларади. Ваҳоланки, тиббиёт қонунлари ва халқ удумлари (бу ҳақда қуйироқда тўхталамиз)ни яхши билиш — бундай бахтсизликдан сақлаб қолиши мумкин.

Наслдан наслга ўтадиган касалликларни ўрганиш, даволаш ва олдини олишда генетик текшириш усуллари муҳим аҳамиятга молик. Бу каби муаммоларни ҳал этишда генетик маслаҳатхоналарнинг хизмати каттадир. Уларнинг асосий вазифалари насл касаллигига шубҳа бор оилаларнинг ҳар бир аъзосини синчиклаб текшириб кўриш: касалликнинг асл-абад келиб чиқиш манбаларини ва камида уч авлод давомидаги қариндош-уруғларда қандай хасталиклар аломатлари борлигини аниқлаш; беморга аниқ, тўғри ташхис қўйиш; аниқланган касалликнинг қайси тип орқали ўтиши муқаррарлигини аниқлаш; хасталиклар хавфи бор оилаларда ирсий касалликнинг қайси авлодда қайтарилиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқиш ва тиббий-генетик маслаҳатхоналарнинг асосий мақсадларини оммага содда мисоллар билан тушунтиришдан иборатдир. Бундай маслаҳатхоналар республикамизда ҳали етарли эмас, айниқса вилоятларда жуда кам. Мавжуд маслаҳатхоналарнинг ҳам иш тартиби тизимга тушса, аҳоли ичида тушунтириш ишларини етарли даражада олиб борилса айни муддао бўларди.

Ўзбек халқининг сўнгги йилларда йўқолаётган ажойиб урф-одат, удумлари борки, булар ҳам келажак авлодни соғломлаштириш бобида тенги йўқ бир сарчашма ҳисобланади. Маълумки, икки ёшнинг бошини қовуштириб, бахт остонасига етаклаган ота-она, қариндош-уруғ зиммасига жуда катта масъулият юклатилади. Уларнинг олдида нафақат икки ёшни бахтга етказиш вазифаси, қолаверса уларнинг фарзандлари, келажак авлод тақдирини ҳам ҳал этиш масъулияти туради.

Табиат ва тиббиёт қонунларини яхши билган, узоқни кўра оладиган билимли ва маълумотли оилаларда бўлажак келин ёхуд куёвни бахт остонасига етаклашдан олдин етти пуштини суриштириш ва текшириш уларда насл касалликлари бор-йўқлигини аниқлашнинг синашта воситаси саналарди. Бу эса саломатлик мезони бўлиб, келажак авлод тақдирига чанг солувчи, насл касалликларининг олдини олишда энг асосий омилдир. Насл касалликларига учраган оилалардан қиз олиш, куёв танлаш хавфли экан деган сўз эмас бу. Мақсад ана шу никоҳларнинг мумкин қадар келажак авлодга насл касалликлари олиб келмаслигида. Насл хасталикларига учраган оилалар айрим наслан соғлом оилалар билан никоҳий муносабатларга (баъзи ҳолларда) киришса, шу касалликлар кейинги авлодларда йўқ даражада камайиб кетиши мумкин.

Ирсий хасталикларни даволаш бир қарашда мумкин эмасдек кўринса ҳамки, лекин у ечиб бўлмас муаммо ҳисобланмайди. Агар ҳар бир ёш онла халқ удумларига риоя қилса, тиббиёт маслаҳатхоналарига бориб, зарур маслаҳатларни олса, наслимиз тоза, келажак авлодимиз баркамол бўлади. Зеро, халқ орасида «наслинг—аслинг» деган гап бежизга юрмайди. Ёки яна бир ҳолат — қариндош-уруғнинг қуда-анда бўлиши кўп ҳолларда оғир оқибатларга олиб келиши ҳам эскидан маълум. Бу ҳақда кўплаб тиббий-илмий асарлар, ҳаётий мисоллар бор. Шунга қарамай, қариндошларнинг қуда-андачилиги камаймаяпти. Мазкур масаланинг яна бир жиҳати борки, бундай никоҳдан ногирон болалар туғилиши нафақат оила ўртасига умуман қариндошларнинг орасига совуқлик туширмоқда. Шунинг учун бу хусусда кўпни кўрган катталар тушунтириш ишлари олиб боришса, насиҳат, маслаҳат беришса, нур устига аъло нур бўлурди.

Юқорида айтган ҳолатларнинг ҳар бирига ҳаётдан минглаб мисоллар келтириш мумкин. Узоққа бориб ўтирмайлик, биз яшаётган маҳаллада ҳам сабоқ бўлгулик воқеалар етарли. Анча йиллар илгари на насли-насабини, на ота-онасини билмайдиган бир ўрис бола маҳалламизга келиб қолганди. Унинг-бунинг ишини қилиб, овқатини еб, тўғри келган жойда ётиб, ичиб-чекиб юрди. Бир оила ўзининг ёши ўтган, носоғломроқ қизини шу йигитга берди. Улар бир неча фарзанд кўришди. Фарзандлар жисмонан соғ, ҳатто бошқаларга нисбатан гавдали, тетик бўлса-да, лекин ақлан заиф эдилар. Уларни ҳар кўрганда ўйга толасан. Яшаш тарзи хотиржам, рисоладагидек бўлмаган, наслнасаби ноаён отадан шундай фарзандлар дунёга келишига имон келтирасан. Қолаверса, ота-она ўзининг носоғлом қизини нима қилиб бўлса-да, турмушга бериб «қутулиш» пайида бўлганларидан ранжийсан. Ахир улар ўшанда туғилажак болалар тақдирини ўйлашганда, балки бу ишга қўл урмасмидилар? Мана ҳозир бу фарзандларни кўриб юрагинг ачишади. Энди уларнинг тақдири нима бўлади? Булардан туғиладиган болаларчи? Кўрдингизми, битта бефарқлик билан қилинган иш неча-неча тақдирни бахтсиз қолдирди...

Бир ҳаммаҳалламиз кўпчиликнинг ҳай-ҳайлашига қарамай қизини яқин қариндошига узатди. Уч фарзандли бўлишди. Минг афсус, ширин-ширин болалар гапиролмайди. Бу ҳам бизнинг калта ўйлашимиз, қўйнидан тўкилса, қўнжига қабилида иш кўришимиз, бахт деб бахтсизликка бош бўлишимиз оқибати. Яна бир мисол. Бир танишимиз ёшлигида бир қизни яхши кўрарди. Бундан хабар топган қизнинг ота-онаси уни бошқага турмушга бериб юборди. Орадан неча йил ўтди. Ўша йигит ҳозир катта одам. Лекин бир умрга касалманд бўлиб қолди. Кўрсатмаган дўхтирлари қолмади.

Яна бир танишимиз эса носоғломроқ қизини (қизнинг гавдаси жуда ҳам кичкина) турмушга бермади. Ундан туғилган фарзандлар ҳам бирор қусур билан туғилса, унга чидолмайман, уларни ҳам бахтсиз қилайми, деб туриб олди.

Бу биргина бизнинг маҳалламиздаги воқеалар. Уларни айтишдан муддао, элу юртга танишларимиз армонини достон қилиш эмас. Аксинча ҳар бир киши ундан ўзи, ўз оиласи, фарзандлари учун хулоса чиқарсин дедик, холос. Зеро, жуда кўплаб насл билан боғлиқ фожеалар, касалликлар бизнинг бепарволигимиз, беэътиборлигимиз, лоқайдлигимиз сабабли юз беради. Ва ниҳоят энди — юртда соғлом авлод учун улкан ишлар қилинаётган кезларда бу масалага жиддий қараш вақти келди. Бизнинг эътиборсизлик туфайли қилган хатоларимиз учун авлодларимиз, фарзандларимиз азоб чекиб юриши, армонда эзилиб ўтиши кечирилмас гуноҳдир.

Умуман маҳалла қўмиталари бу ишга энди жиддий ёндашмоқлари керак. Маҳалла қўмитаси қошида тўйлар билан боғлиқ, уларни камхаржли, мазмунли ўтказиш кенгашлари очилса, улар шунингдек юқоридаги масалаларга ҳам тиббиёт, ҳам ҳаёт талабларидан келиб чиқиб тавсиялар бериб боришса маъқул бўларди.

Соғлом авлод тарбияси нафақат тиббий нуқтаи назардаги камолотни, балки инсоний, маънавий, ахлоқий жиҳатдан ҳам баркамолликни тақозо этади. Келажаги буюк давлатнинг фарзандлари ҳам ҳамма жиҳатдан ана шу буюкликка муносиб бўлиши керак. Бу биринчи навбатда уларнинг насли, ахлоқ-одоби, тарбияси комил бўлиши билан вобастадир.

Аждодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаб келганлар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимизни, дилимиз ва динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказдилар. Биз ҳам ана шу меросни кўз қорачиғидек асрашимиз, ўз аждодига, ота-боболарига, миллатига, келажагига муносиб фарзандлар тарбиялашдек улуғ меҳнат ва матонат борасида бефарқ эмас, шояд сахий ва саховатли бўлсак, келажак авлод ва буюк давлатнинг жонкуяр фидойилари қаторида бўлсак ажаб эмас. Бу ўринда барчамизга ҳам вазифалар етарлидир.

Наби МАЖИДОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ.

ТОШКЕНТ МУЗҚАЙМОҒИ

Ўлкамизга ёз фасли кириб келди. Ҳадемай жазирама иссиқ бошланади. Шундай вақтда киши яхна ичимлик ёки музқаймоқ истеъмол қилишни хуш кўради. Айниқса, болажонларимиз музқаймоқни суйиб истеъмол қиладилар.

Шаҳримиз аҳолисининг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини асосан Тошкентдаги музқаймоқ ишлаб чиқариш корхонасининг жамоаси қондиради, десак муболаға бўлмас.

Мухбиримиз мазкур корхонада бўлиб, ана шулар хусусида корхона раҳбари Р. Хўжаев билан суҳбатлашди.

— Равшан Абдуазимович, корхонада муаммоларни ҳал этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Сир эмас, нарх-навонинг кўтарилиши, ҳамдўстлик давлатларидан хом ашёнинг ўз вақтида етиб келмаслиги маълум муаммоларни келтириб чиқаряпти. Чунончи, бунга хўжаликлар бир-бирига ипсиз боғлаб қўйилгани ҳам сабаб бўлаётир. Шунингдек, МДҲ мамлакатлари миллий валюталарини муомалага киритишлари пул муомаласидаги ўзаро қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Ҳар бир мустақил хўжалик бозорга ўзининг сифатли маҳсулоти билан чиқмаса, рақобатга дош беролмаслиги мумкин. Маҳсулотларнинг сифатли чиқиши эса корхона ишчи-хизматчиларидан ишбилармонлик, тадбиркорликни талаб этади.

Корхонамиз пойтахт аҳолисига ҳар куни 6—8 тонна музқаймоқ маҳсулотлари етказиб бермоқда. Бу маҳсулотларни кўпроқ тайёрлашга компрессор цехидаги сувутиш қурилмаларининг эскиргани, эҳтиёт қисмларнинг тақчиллиги тўсиқ бўляпти.

Хом ашёнинг асосий қисми ва айрим қўшимча моддалар МДҲ мамлакатларидан келтирилади. Жумладан, музқаймоқни қадоқлаш учун этикетка қоғози Қозоғистон.нинг Семипалатинск шаҳридан, шакар, сут порошоғи эса Россия ва Украинадан олинади. Цехларимизда Италиянинг «Дерби-300» технологик қурилмалари ва «Эскимо генератор» линиялари ўрнатилган. Илгари технологик линиялар учун эҳтиёт қисмларни асосан Москва ва Қозон шаҳарларидан келтирар эдик. Охирги 2—3 йил мобайнида эҳтиёт қисмлар умуман келмай қўйди. Шунинг учун биз Тошкентдаги тажриба механика ва созлаш заводига ўзаро шартнома асосида буюртмалар бермоқдамиз. Хом ашёнинг корхонамизга келтирилишида юқори ташкилотларнинг кўмаги ҳамда «Ўзбексавдо» уюшмасининг ёрдамини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда аҳолига сотилаётган музқаймоқнинг ўртача таннархи 400—500 сўмни ташкил этади. Ҳолбуки, биз билан рақобат қилаётган бошқа ширкат цехлари тайёрлаётган маҳсулотнинг ўртача таннархи 1500 сўмдан 2000 гачадир.

— Жамоангиз жорий йилнинг 4 ойлик режасини қандай бажарди?

— Жорий йил 1993 йилга нисбатан анча салмоқли бўлмоқда. Корхонада компрессор, қозонхона, нонли музқаймоқ ишлаб чиқариш ва музқаймоқ қуйиш цехлари ишлаб турибди. Барча цехлар тўрт ойлик режани ортиги билан адо этдилар. Корхонамизда сутли, мевали ва какаоли музқаймоқлар ишлаб чиқарилмоқда.

1988—1989 йилларда цехларимизда кунига 30—35 тонна музқаймоқ ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич хом ашё танқислиги туфайли бироз камайди. Хом ашёни ўз вақтида олиб турсак бундан ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин.

Аҳолига музқаймоқ етказиб беришда ишчи ва малакали техник ходимларимиздан — цех бошлиғи Назира Закирова, ишчилардан Андрей Куликов, Дилбар Эргазиева, Шуҳрат Исматов, Доно Қосимбекова ва бошқаларнинг хизматлари катта.

— Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қандай амалий ишлар қилиняпти?

— Бозор иқтисоднётига ўтиш даври республикамиз ҳар бир фуқароси учун синов даври бўляпти. Чунончи, комбинат раҳбарияти, касаба уюшмаси ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан барча чораларни кўрмоқда. Жамоамиз 200 га яқин кишидан иборат. Ўртача ойлик маош 250 минг сўмни ташкил этяпти. Қўшимча равишда ойлик мукофотлар ҳам бериб бориляпти. Иш бир сменада ташкил қилинган. Ошхоналаримизда иссиқ овқат арзон нархларда сотилмоқда. Таътилга ҳамда қарилик нафақасига чиқаётган ишчи-хизматчиларимизга бир ойлик маош миқдорида ёрдам пули бериляпти. Ишчи-хизматчиларимизга соғлиқларини тиклаб олишлари учун дам олиш уйлари, санаторийларга бепул йўлланмалар бериляпти.

Иқтисодий қийинчиликдан мумкин қадар тезроқ қутулиш учун асосий ишлардан бири — корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш зарур. Ривожланган мамлакатлардаги корпорация ва фирмалар билан ўзаро шартномалар тузмоғимиз даркор. У ердаги энг замонавий технологик асбоб-ускуналарни сотиб олиб, ишларни жадаллаштириш асосий вазифамиздир. Кичик қўшма корхоналарни очишни кўпайтириш лозим деб ўйлайман. Айниқса, Россия билан ўзаро иқтисодий алоқаларимизни узмаслигимиз, уни ривожлантирмоғимиз зарур. Республикамизда хом ашё заҳираларини ўзимизда қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирмоғимиз керак. Корхоналарга иқтисодий эркинлик бериш ҳал қилувчи омилдир. Ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан олиб борилаётган хатти-ҳаракатимиз келгусида ўзининг ижобий натижасини беришига ишончим комил.

Хулоса қилиб айтганда, корхона раҳбарининг гапларида жон бор. Биз корхона бош мўҳандиси Абдуворис Шомирзаев билан биргаликда корхона цехларини кўздан кечирар эканмиз, бу сўзларга тўлиқ амин бўлдик. Ишчи-хизматчиларнинг чеҳраларида келажакка бўлган умид яққол акс этиб турибди.

Суҳбатдош Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: Тошкент музқаймоқ ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва цехлардаги иш жараёни.

Суратларни К. УЛМАСОВ олган.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Келажак процессори

Power Macintosh 6100/60

Power Macintosh 7100/66



Power Macintosh 8100/80

бугунги Макинтошларда ишламоқда

Бугун Apple Computer фирмаси Сизнинг эътиборингизга Power Macintosh - PowerPC процессорлар асосида ишлайдиган биринчи компьютерларини ҳавола этади

PowerPCтехнологияси шахсий компьютерларнинг қиёфасини ўзгартиради. У билан бирга Apple™ Макинтош компьютерларининг янги авлоди яратилмоқда.

Power Macintosh илгари фақат компьютер тармоқ серверлари ва оғир ишчи станциялар бажара оладиган унумдорликка эга. Бундай қувват уни нутқ, видео ва телекоммуникацияларни ажратиш қобилияти бирлаштирган, Apple-ни графика ва AudioVideo-технологияларида алоҳида фойдаланиш учун жадвал ҳисоблаш масалаларга мумкин қадар яроқли қилади.

Power Macintosh ўзбек ва рус тилларидаги операцион тизимларига эга бўлган ҳолда, Макинтош учун тузилган минглаб дастурлар билан ва, ундан ташқари, DOS ва Windows билан қўшилиб ишлайди. Янги ечим RISC-PowerPC процессорининг афзалликларидан тўла фойдаланиётган ўнлаб амалий дастурларга эга.

Ҳозир биз ҳар бирининг унумдорлиги Intel Pentium процессори негизидаги машиналарга тенг балки устун турадиган учта турдаги Макинтошларни тақдим этамиз:бу арзон Power Macintosh 6100/60, унумдорли 7100/66, ва энг қувватли модель - 8100/80.

Янгича ечимнинг афзалликлари фақат Power Macintosh туркумигагина таалуқли бўлиб қолмасдан, балки мавжуд Макинтош моделларининг кўпчилигини қўшимча платалар ёрдамида замонавийлаштириш мумкинлигидадир.

Агар келажагингиз компьютерлар билан боғлиқ бўлса, шундай қилингки, унда келажак учун ҳам жой топилсин.

PowerPC™ Macintosh

Келажак етиб келди. Ва у Сиз кутганингиздан ҳам яхшироқдир

Кўпсонли дилерлар Сизнинг хизматингизга тайёр. ABSYS- Asian Business SYStems Apple Computer, Inc. корпорациясининг Ўрта Осиё давлатларидаги расмий дистрибьюторидир. Қўшимча маълумотни 32-38-68 телефон орқали олишингиз мумкин. Дилерлик бўйича таклифлар қабул қилинмоқда © Apple Computer, Inc. 1994. Муаллифлик ҳуқуқлари сақланади. Apple, Apple логотипи, Макинтош, Macintosh ва Power Macintosh - бу Apple Computer, Inc.-нинг рўйхатга олинган савдо маркаларидир. PowerPC- бу International Business Machines корпорациясининг рўйхатга олинган савдо маркасидир ва лицензия бўйича ишлатилмоқда. ABSYS- бу Asian Business SYStems- Authorized IMC компаниясининг рўйхатга олинган савдо маркасидир. Ушбу реклама Macintosh компьютерида тайёрланган.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1994 йилнинг 16 июнида УРГАНЧ ШАҲРИДА

Кўчмас мулкларни хусусийлаштириш КИМ ОШДИ САВДОСИ ўтказилади.

Унда қуйидагилар қўйилади:

«ПИТНЯК» РЕСТОРАНИ

Дружба шаҳар Питняк қишлоғида жойлашган «Питняк» ресторани. 1986 йилда ишга туширилган. Фойдали майдони — 800 кв. м. Бино бир қаватли, силикат ва ғиштдан қурилган. 50 ўринга мўлжалланган. Ресторанда овқатланиш зали, ошхона ва бир қанча ёрдамчи хоналар мавжуд.

Бошланғич нархи: — 143 млн. сўм-купон.

«ДЕҲҚОН БОЗОРИ» БИНОСИ

«Узкоопторг»га қарашли Хоразм кўчасида жойлашган «Деҳқон бозори» биноси. Пишиқ ғишт ва темир бетондан қурилган. Фойдали майдони — 1152 кв. м. 110 сотувчига мўлжалланган. Ёзги ва қишки савдо заллари, ёрдамчи хоналар ва омборхоналар мавжуд. Водопровод ва канализация марказий коммуникациялар тизимига уланган.

Бошланғич нархи — 224 млн. сўм-купон.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЙИ

Ўзбекистон жамоа хўжалигига қарашли Маиший хизмат кўрсатиш уйи. Фойдали майдони — 364 кв. м. Бино пишиқ ғиштдан қурилган, 2 қаватли, усти темир бетон плита билан ёпилган. Маиший хизмат кўрсатиш уйининг 1-қаватида — этикдўзалик, сартарошхона, қабулхона: 2-қаватида — 2 та тикувчилик зали ва маъмурият хоналари жойлашган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар: палос, трикотаж.

Бошланғич нархи — 90 млн. сўм-купон.

ҲАММОМ

Охунбобоев номли жамоа хўжалиги, Сарапоён қишлоғи Корамози участкаси ҳудудида жойлашган. Фойдали майдони 491 кв. м. Бино бир қаватли пишиқ ғиштдан қурилган. Томи тунукали. Умумий хонаси — 2 та, номерли ювиниш хонаси — 4 та. Ҳаммомда чойхона зали, сартарошхона, алоҳида қозонхонаси ва омборхонаси мавжуд.

Бошланғич нархи — 85 млн. сўм-купон.

ҲАММОМ

«Хоразм» жамоа хўжалигига қарашли «Қирқ ёп» қишлоқ кенгашида жойлашган. Фойдали майдони — 900 кв. м. Бино бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, томи гумбаз ва темир бетон плита, шифер билан ёпилган. Ҳаммом 40 одамга мўлжалланган, умумий ювиниш хонаси — 2 та, номерли ювиниш хонаси — 8 та. Иссиқ ва совуқ сув ҳовузлари мавжуд. Водопровод марказий тизимга уланган. Машиналар туриши учун 1400 кв. м. жой мавжуд. Ҳаммом миллий услубда қурилган.

Бошланғич нархи — 70 млн. сўм-купон.

«ХОНҚА» МЕҲМОНХОНАСИ

Хонқа тумани коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли «Халқлар дўстлиги» кўчаси 28-уйда жойлашган «Хонқа» меҳмонхонаси. Фойдали майдони — 325,1 кв. м. Бино 2 қаватли, силикат ғиштдан қурилган, томи темир бетон плита билан бостирилган. 40 ўринга мўлжалланган. Водопровод ва оқава қувур мажмуаси (канализация) марказий коммуникациялар тизимига уланган. Меҳмонхонанинг 1-қаватида — маъмурият хонаси, тикувчилик цехи, дўкон, суратхона, қаҳвахона, 2-қаватида — 24 та яшаш хонаси мавжуд.

Бошланғич нархи — 220 млн. сўм-купон.

«ҲАММОМ № 2»

Охунбобоев номли жамоа хўжалигига қарашли Сарапоён қишлоғида жойлашган «Ҳаммом № 2» Фойдали майдони—1117 кв. м. Бино пишиқ ғиштдан қурилган. Ҳаммом 50 одамга мўлжалланган. Ҳаммомнинг умумий ювиниш хонаси 2 та. Номерли ювиниш хонаси — 5 та, сауна.си 1 та. Чойхонаси, сартарошхонаси, қозонхонаси ва омборхонаси бор.

Бошланғич нархи — 100 млн. сўм-купон.

«ОСТОНА» ЧОЙХОНАСИ

Янгиариқ тумани пахта тозалаш заводига қарашли. Мустақиллик кўчасида жойлашган «Остона» чойхонаси. Фойдали майдони — 602 кв. м. Бино бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, томи темир плита билан бостирилган. Чойхона 50 ўринга мўлжалланган, овқатланиш зали, ошхона, кичик хона ва омборхоналар бор.

Бошланғич нархи — 98 млн. сўм-купон.

«ҲАММОМ № 2»

Янгиариқ туман коммунал хўжалик бирлашмасига қарашли Навоий кўчасида жойлашган «Ҳаммом № 2». Фойдали майдони — 600 кв. м. Бино томи темир бетон плитали. Ҳаммом 20 ўринга мўлжалланган, 2 та умумий ювиниш хонаси, 5 та номерли хонаси бор. Ҳаммом маҳаллий оқава қувурга уланган.

Бошланғич нархи — 170 млн. сўм-купон.

ҲАММОМ

Урганч туман коммунал хўжалик бошқармасига қарашли «Октябрь 50 йиллиги» кўчаси, 31-уйда жойлашган. «Ҳаммом № 2». 1968 йилда қурилган. Фойдали майдони — 418 кв. м. Бино пишиқ ғиштдан қурилган. Томи темир бетон плита билан бостирилган ва шифер билан қопланган. Ҳаммом 30 ўринга мўлжалланган.

Бошланғич нархи — 60 млн. сўм-купон.

ҲАММОМ

Туман марказида, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган «Ҳаммом». 1990 йилда қурилиши бошланган. Ер майдонининг юзаси — 9000 кв. м.

Бошланғич нархи — 35 млн. сўм-купон.

«ЧОЙХОНА»

Қўшкўпир тумани ҳокимиятига қарашли Беруний кўчасида жойлашган, фойдали майдони — 800 кв. м. Ёзги чойхона 200 одамга мўлжалланган. Ҳовуз, фаввора, тандирхона, омборхона ва овқат пиширадиган хоналар мавжуд.

Бошланғич нархи — 39 млн. сўм-купон.

Объектлар билан танишмоқчи бўлганлар ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан республика кўчмас мулк биржасининг Хоразм филиалига мурожаат этишлари ёки қуйидаги телефонларга: 6-81-66, 6-73-49, 6-83-51 қўнғироқ қилишлари мумкин.

Аризалар ҳар куни, якшанбадан ташқари, соат 9.00 дан 18.00 гача 13 июнга қадар қабул қилинади.

КЎЧМАС МУЛК «КИМ ОШДИ» САВДОСИ 16 ИЮНЬ СОАТ 11 ДА УРГАНЧ ШАҲАР, П. МАҲМУД КЎЧАСИ, 2-УЙДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Собир Раҳимов туманида жойлашган «ҲУЛКАР» масъулияти чекланган жамият ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 6. VI

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Болалар меҳмонхонаси». 18.55 «Фармон ва ижро». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Шеърий дақиқалар». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада жамоаси ижросида Анор Назаров қўшиқлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнир. 22.00 «Тақдирнинг кўлингда». Бадиий фильм. 23.15 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.40 «Аҳмаджон Дадаев куйлайди». Фильм-концерт. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Билиб қўйган яхши». 20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 20.40 «Ҳамшаҳарлар». 21.30 «Ишбилармон» 22.10 Ўзбек киносининг 70 йиллиги олдидан. Кинопрограмма. 22.35 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 1-серия. «Андрей Болконский».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00—19.50
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Душанба куни детектив. «Спрут-5». Бадиий фильм. 4-серия. 20.45 Спорт кўрсатуви. 20.50 «Спрут-5». Бадиий фильм давоми. 21.55 «Хизмат». Ҳужжатли фильм премьераси.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Уч плюс икки». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 29-серия. 18.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Спорт уик-энди». 20.45 А. С. Пушкин мавзуларига ёзилган фантазиялар. 21.30 Иллюзиялар канали. 22.20—23.10 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Канада — Бразилия терма командалари. 2-тайм. Канададан кўрсатилади.

Сешанба, 7. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Бунинг биз ўтмаганмиз». Бадиий фильм. 10.05 «Қадрдонлар кўчаси». Фильм-концерт. 10.30 Лотин алифбоси. 11.00 Ўсмирлар учун. «Камалак». 11.30 Инглиз тили. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги олдидан. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат». Телефильм. 18.55 «Оила ва жамият». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Фарғона вилоят филармонияси артистларининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти 21.25 Эълонлар. 21.30 «Инсон ва қонун». 22.10 «Наримон ёхуд кинога бахшида умр». Кинокўрсатув. 23.10 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.35 «Наврўз бахт ва қувонч улашиб». «Ўзбектелефильм». Премьера. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
«ОМАД» таништиради:
19.50 «Мультфейерверк». 20.35 «Эм-Ти-Ви». Эълонлар. 21.00 «Видеогид». 21.20 «Эм-Ти-Ви». Эълонлар. 22.00 «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ОМАД» таништиради:
9.00 «Совға». 9.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 9.35 Эълонлар. 9.40 «Шарқ дурдоналари» кўрсатуви таниқли қўшиқчи Шерхон ижросида «Биллур» фильмини тақдим этади. 11.10 Эълонлар. 11.20 «Курьер». 11.35 «Келинг, танишайлик!» (Чимёнда муаллифлик қўшиқлари фестивали). 12.05 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 12.20 «Ҳар соҳадан бир шингил». 12.35 «Эълонлар. 12.40 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 13.00 «Даракчи». 13.10 Эълонлар. 13.15 Видео—«О».

18.00—19.55
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 «Зап яшаяпсан». 20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара» Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 327-серия. 21.00 Фильм премьераси. 21.15 «На-на» гуруҳининг янги дастури. 22.15 Криминал хабарлар экрани.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Аёллар салтанати». Бадиий фильм. 24.00 «Юрак операцияси». Телефильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.30 «Ёвойи атиргул». Телесериал. 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Вагон 03». 20.40 О. Борисов ҳотираси. «Оққуш қўшиғи». Телеспектакль. 22.05 «Матбуот-экспресс». 22.20—23.00 «50х50». Телешоу.

Чоршанба, 8. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Одам-амфибия». Бадиий фильм. 10.00 «Тошкент». Телефильм. 10.10 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.05 «Алифбо сабоқлари». 11.35 Навоий шаҳар «Ширин» Маданият уйи «Истиқбол» болалар ансамблининг чиқиши. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув. 18.45 «Пирим ороли». Телефильм. 18.55 «Муҳофаза». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Най наволари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳалимжон Жўраев. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Адабий театр. Рамз Бобожон. «Машраб». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Ислоҳот ва масъулият». 22.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови. 23.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.25 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. МҲСК — «Наврўз». 2-тайм. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Спринт. 20.10 «Фильмлар ва тақдирлар». 20.50 «Мусиқий меҳмонхона». 21.40 «02» тўлқинида. 22.05 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 2-серия. «Наташа Ростова».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 328-серия. 20.45 «Ҳеч ким унутилмайди». 20.50 «Гаровга қўйилган ҳаёт». 21.05 «Виртуозлар Москви» концерти. 21.25 «Мҳат-клуб». 22.15 Катталар учун мультфильм. 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Ўлим сиртмоғида». Бадиий фильм. 23.45 «Замин нуқтаси». Телефильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Ёвойи атиргул». Телесериал. 18.50 «Жигарранг булут». Телефильм премьераси. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Монолог».
Сайланмалар
20.40 «Клио боғидаги суҳбатлар». 21.00 У. Уитмен шеърияти. 21.20 Ф. Н. Плевако ҳаётидан эпизодлар. 21.40 Бир қиёфадаги Фауст ва Мефистофель. 22.05 «Матбуот-экспресс». 22.20—23.00 Бадиий фильм. «Юзтубан фаришталар» телесериалидан. (АҚШ).

Пайшанба, 9. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Ягона йўл». Бадиий фильм. 10.05 «Соғлом авлод учун». 10.35 «Ҳаёт гулшани». 11.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.30 «Ёшлик» студияси. «Ватан посбонлари». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ислоҳот одимлари». 18.40 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал. 18.50 Таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпионати. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Қалб садолари». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Кинолавҳа. 20.30 «Ёшлар ижоди». Ҳожиакбар Раҳматов куйлайди. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Шаҳар бедарвоза эмас...» 22.15 «Мумтоз мусиқа сақифаларидан. «Гиря». 23.05 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.30 «Аёллар тангоси». Бадиий фильм. 00.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
«ОМАД» таништиради:
19.50 «Омад» тақвими. 20.00 «Жозиба». 20.20 «Бир шингил ҳангома». 20.30 «Зиндати ёҳуд муҳаббат». 20.55 Видео янгиликлари. 21.20 Эм-Ти-Ви оҳанглари ва эълонлар. 22.05 «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 329-серия. 20.45 «Беш дақиқалик яхши ҳаёт». 20.50 Санкт-Петербург балети. «Малика». 21.25 Криминал хабарлар экрани.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.35 «Шайтон малайлари жинлар тегирмонида». Бадиий фильм. 23.40 «Унутилган кемалар тақдири». Телефильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 17.40 Ҳужжатли фильм. 18.10 «Тиғиз пайт». 18.35 «Ёвойи атиргул». Телесериал. 19.05 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.20 П. И. Чайковский номидаги Х халқаро танловнинг очилиши. 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Вагон 03». 20.40 Катталар учун мультфильм. 20.50 П. И. Чайковский номидаги Х халқаро танловнинг давоми. 21.40—23.15 «Опа-сингил Либертилар». Бадиий фильм.

Жума, 10. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Машина ойнасидаги шайтонвачча». Бадиий фильм. 9.55 «Маърифат маскани». 10.30 «Султонпошша Ўдаева куйлайди». Фильм-концерт. 11.00 «Ёшлик» студияси. «Ёшлар ва замон». 11.40 «Таълим ва ислоҳот». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Тилга эътибор». 18.50 «Нодир хазина». Телефильм. 19.00 «Жиноят жазосиз қолмайди». Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимларининг иш фаолиятидан. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Дутор ва танбур тароналари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Халқаро шаҳ.лов-илар даврасида. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Бевосита мулоқот. 22.30 «Ўзбекистон бастакорлари». Собир Сафоев. 23.05 «Марҳумнинг ҳурмати». Қисқа метражли бадиий фильм. 23.45 «Ўзбекистон» ахборoти. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Чемпион билан учрашув». Лина Черязова. 20.20 «Қалбингда қуёш порласин». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Халқ саломатлиги йўлида». 22.25 Тошкент оқшомлари». 23.25 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 3-серия. «1812 йил».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00—19.55
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Сиз севган комедиялар. «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм. 21.10 «Оддий иш». 21.25 «К-2» таништиради. 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Ойна». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.00 «Ҳафтанинг акс садоси». 18.20 «Америка М. Таратута билан». 18.50 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 20.50 «Детективлар клуби»да. «Ден Огаст». Телевизион бадиий фильм. 7-фильм. 21.50 «Матбуот-экспресс». 22.00 «Нигоҳ» А. Любимов билан». 22.50—23.15 «Авто-шоу».

Шанба, 11. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Кўринмас одам». Бадиий фильм. 10.00 «Бедилхонлик». Адабий кўрсатув. 11.00 «Ёшлик» студияси. «Сулола». 11.30 «Китоб ва ҳаёт». 12.05 Мукаррама Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган «Баҳор» ансамблининг концерти. 13.00 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз». 14.00 Сайёр. «Умр қушиғи». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Қўнғироқча». 18.30 «Яхшидан боғ қолади». Телефильм. 18.55 «Аёл — дунё тебратар». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Мусиқий дақиқалар». Турғун Алиматов чалади. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаевнинг ижодий кечаси. 23.00 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. (рус тилида). 19.50 Болалар учун. «Табассум». 20.20 «Қардошлик оиласида». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Дарвоқе...» 22.10 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 4-серия. «Пьер Безухов».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

12.35—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИ

12.35 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.50 «Дидар». Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари (қозоқ тилида). 13.35 «Қадимий донишмандликка йўл». Тиббиёт профессори Одил Шокиров. 14.10 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.25 «Меҳригиё». 14.50 «Барча юлдузлар». Тина Тёрнер. 15.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.25
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Киномарафон. «Ватанпарварлик комедияси». Бадиий фильм. 21.30 «Ғойиб бўлаётган манзара». Лев Аннинский кўрсатуви. 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм. 23.50 «Давлат ҳимояга олади». Телефильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Коламбия пиктчерс» таништиради. «...Адолат ҳам барча учун». Бадиий фильм (АҚШ). 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 Футбол бўйича Россия терма командасининг Америкага йўли. «Россия» концерт залидан кўрсатилади. 21.50 «Бир боқишда муҳаббат». 22.10 «Матбуот-экспресс». 22.20 «Академия». 22.50—23.25 Янгиликлар.

Якшанба, 12. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Маҳоҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм. (Ҳиндистон). 70-71-сериялар. 10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 «Аёл борки, олам мунаввар». 2-кўрсатув. Самарқанд вилоятидан тайёрланган. 11.30 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари». 11.50 «Фан ва ишлаб чиқариш». 12.20 Адабий театр. Тўлан Низом. «Мажнунтол йиғиси». 13.05 «Танлаганим сен ўзинг...» Лирик концерт. 13.45 «Халқ ижодиёти». Бахши Зиёдулла Исломов. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Сергайрат кампир». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўйла! Изла! Топ!». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 «Келин тўйи». Телефильм. 20.25 Бир қўшиқ тарихи. «Салламно». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 Эълонлар. 21.35 «Ойнаи жаҳонда...» 21.55 «Ижодий учрашувлар». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров. 22.55 «Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат». Бадиий фильм. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
17.00 «Совға». 17.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 17.40 Эълонлар. 17.45 Видео—«О». 19.15 Эълонлар. 19.25 «Курьер». 19.40 «Ҳар соҳадан бир шингил». 20.00 Эълонлар. 20.10 «Юлдузлар жилоси». 20.30 «Даракчи». 20.40 Эълонлар. 21.00 Видео—«О».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
12.25—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИ

12.25 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.45 «Жаҳон бозори». 13.15 «Кашфиётлар оламида». 13.55 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.10 «Чинсэн» (корейс тилида). 14.45 «Мусиқа олами». 15.20 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.35 «Жаҳон спорти». 15.45 «Бу ажиб дунё».

16.00—17.35
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.35 Телеэкран премьераси. «Федор Кузькин ҳаётидан». Бадиий фильм. 1-серия. 19.00 «Шудринг». Телефильм. 19.25 Спорт кўрсатуви. 19.30 «Федор Кузькин ҳаётидан». Бадиий фильм. 2-серия. 21.05 XX аср кадрда ва кадр ортида. «Касби — режиссёр». 21.55 «Ксюша ҳузурида».

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

17.35 «Нима? Қаерда? Қачон?» 19.50 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Омад сизга, жаноблар». Кинокомедия («Ленфильм»). 20.45 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.35—23.05 «Москва, Россия юлдузлари». Байрам концерти.

● *Илму ҳикмат ўтни ёндирар*

ЗАМОНДОШГА ИНТИЛИБ ЯШАГАН ОЛИМ

БУГУНГИ КУНДА ОЛТМИШИНЧИ ДОВОНДАН ОШГАН ФИДОИЙ, КАМТАР ВА ЗАҲМАТКАШ ФИЛОЛОГ ОЛИМЛАР ОРАСИДА ЗУККО АДАБИЁТШУНОС, ДИЛКАШ ИНСОН ВА МЕҲРИБОН МУРАББИЙ ЭРКИН ХУДОЙБЕРДИЕВ ҲАМ БОР



Унинг бадиий адабиёт санъатидек инсоният маданияти, маънавияти қирраларини акс эттирувчи тафаккур маҳсулига қизиқиш, сирларини ўрганиш, моҳиятини кўпчиликка етказишга интилиш, бу соҳада олим бўлиб етишиши тасодифан кечмаган. Чунки ғўдаклик чоғлариданоқ гўзал Норин туманидаги ўзбекнинг энг қадимги маданияти анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ва айниқса, гўзал халқ оғзаки ижоди бошқа жойларга қараганда кўпроқ сақланиб қолган Ҳаққулобод қишлоғидаги хушчақчақ, дилкаш, сўзга чечан ва ҳозиржавоб одамлари орасида тарбия топганлиги ҳам у кишининг адабиётшунослик, фольклоршунослик фаолиятига катта таъсир кўрсатган эди.

Эркин Худойбердиев мактабни аъло битиргач, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олди. Ўзининг илк мустақил ҳаёт йўлини ўн йил билим олган мактабида хизмат қилишдан бошлади. Мактаб-маориф ишларидаги, бадиий адабиёт фанларини ўқитишни такомиллаштиришга қўшган хизматлари эътиборга олиниб, «Халқ маорифи аълочиси» унвони билан тақдирланди.

Илмий изланиш имкониятлари, адабиётшунослик соҳасига бўлган қизиқиш, мактаб ва маориф дунёсида орттирган тажрибалари ҳамда республика миқёсидаги замонавий адибларнинг асарлари бўйича ёзган мақолалари Тошкентдаги фан фидойилари, Эркин аканинг илмий-тадқиқот олиб бориш иқтидорини билган сафдош дўстлари эътиборидан четда қолмади. У Тошкент Давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси қошидаги аспирантурага таклиф қилинди ва 1974 йил марҳум адабиётшунос Аъло Ашрапов раҳбарлигида ёзувчи Ҳамид Ғулом асарлари бўйича филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

Шу йили республикада Маданият институти ташкил этилиши муносабати билан ёш олим мазкур олий масканга таклиф этилди. Йигирма йилдан буён у оддий ўқитувчидан профессор илмий унвони даражасигача етиб, республикамиз маданият масканларига етук мутахассислар тайёрлаш ишига ўзининг камтарона хизматини қўшиб келаётир. У тақдири азалнинг ўзига берган олимлик бурчини ўташ, келажакда яхши ном қолдириб, ўз тафаккур маҳсуллари ҳисобланмиш китоблари, мақолалари, ўқув қўлланмалари — маърифатга хизмат қиладиган ишлари билан «из» қолдириб кетиш иштиёқида яшаётган олимлар сирасига киради. Шу боис бўлса керак, профессор Эркин Худойбердиевнинг юзга яқин илмий, илмий-услубий ва педагогик рисолалари, мақолалари талабалар, ўқитувчилар, ёш тадқиқотчиларнинг китоб жавонларидан жой олиб, унинг амалий натижаларидан таълим жараёнида фойдаланиб келиняпти.

Зеро, «Адабиётшуносликка кириш», «Ўзбек адабиёти тарихи», «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» каби фанларнинг маданият соҳасидаги моҳиятини англатишда профессор Эркин Худойбердиевнинг «Сенга интиламан замондош», «Иброҳим Раҳим», «Адабий асар тили», «Шеър тузилиши», «Адабий тур ва жанрлар», «Сюжет ва композиция», «Ёзувчи услуби ва ижодий метод», «Ўзбек адабиётидан дастур» каби салмоқли рисолалари олимнинг умрини қандай ўтказганлигини кўрсатувчи ўзига хос ҳисобот, дейиш мумкин.

Яна бир гап. Олим шаҳар ва қишлоқларда бўлган пайтларида меҳнат одамлари оғзаки жонли нутқида мавжуд бўлган халқ қўшиқлари, мақоллари, топишмоқлар, латифалар, афсона, ривоятлар, эртаклар каби халқ ижоди намуналарини ёзиб олиш билан шуғулланган. Эркин ака томонидан тўпланган бу намуналар «Олтин водий эртаклари» номи билан босмадан чиқиш арафасида турибди.

Биз бу жонкуяр маданиятимиз яловбардорига Аллоҳдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бажараётган эзгу ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Малик МУРОДОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Санд АЛИМОВ,
доцент.

● *Спорт* ●

БОШ СОВРИНГА ДАЪВОГАРЛАР

PRESIDENT CUP
UZBEKISTAN
INTERNATIONAL TENNIS TOURNAMENT
TASHKENT 1994

Бир неча кундирки юртимиз пойтахтида кичик тўпнинг катта байрами нишонланмоқда, дейиш мумкин. Мамлакатимизга жаҳоннинг турли ерларидан келган машҳур теннисчилар диёримизнинг мўътадил иқлими, яшилликка бойлиги ва халқимиз меҳмондўстлигини эътироф этмоқдалар. Улар «Ўзбекистон, Тошкент, Юнусобод», деган сўзларни кўнгилларига жо қилиб кетадилар. Мусобақани ёритиш учун келган хорижий журналистлар совриндорлик баҳси, бу ерда яратилган шарт-шароитлар, теннисга катта эътибор ҳамда келажаги буюк давлатимиз ҳақида илиқ гапларни ўз юртларида зангори экранда намойиш этиш ва ёзишга чоғланмоқдалар.

Президент кубоги учун мусобақа спорт баҳсигина эмас. Айни пайтда спорт — тинчлик элчиси эканининг амалдаги намойишига айланмоқда. Бундай мусобақанинг ташкил этилиши мамлакатда барқарор ривожланиш таъминланганидан нишонадир. Кичик тўп баҳслари баҳона хорижий юртлардан келган таниқли теннисчилар, мутахассислар, тадбиркору ишбилармонлар билан юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга, маданиятини равнақ топтиришга бел боғлаганлар ўртасида ўзаро мулоқотлар авжга чиқмоқда, дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда.

Теннисчилар билан бирга келган мутасадди-мутахассислар бундай нуфузли мусобақани анъанавий равишда ўтказиш учун қулай шароит яратилганини эътироф этмоқдалар.

Моҳир теннисчилар эса ўзлари учун яратилган қулайликлар самараси ўлароқ бор маҳоратларини ишга солишга, кучлилардан кучлироқ бўлиб, сараланганлар сафидан жой олишга ҳамда бош совринга астойдил даъвогарлик қилишга интилмоқдалар. Яккама-якка баҳслар иштирокчилари 32 нафар эди. Дастлабки ўзаро учрашувдан кейин уларнинг тенг ярми томошабинга айланди, дейиш мумкин. Улардан марокашлик Карим Аламининг профессионал мақоми 110 бўлишига қарамай, маҳоратини юксак баҳолаган мутахассису шарҳловчилар: бош соврин эгаси шу теннисчи бўлади, деган хулосага келдилар. Ҳақиқатдан ҳам у россиялик А. Мириновдан устун келгач, нимчорак финалга йўлланма олди. Аммо, чорак финалга чиқиш учун курашда Каримнинг омади келмади. У мақоми жиҳатидан ўзидан қарийб 100 тага кам ҳисобланган АҚШ теннисчиси В. Спадеа ҳужумларига дош беролмади. Карим қанчалик уринмасин унинг маҳоратидан Спадеанинг шижоати устун келди. АҚШ теннисчиси 6:1, 6:3 ҳисобида ғалаба қозониб, чорак финалга чиқди.

Эндигина профессионаллар сафига қўшилган, мақоми 944 тани ташкил этган тошкентлик Дмитрий Томашевич дастлабки учрашувда мўъжиза кўрсатган эди. У италиялик моҳир теннисчи Д. Сангуинетини доғда қолдириб, курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритганди. Дмитрий навбатдаги баҳсда ҳам астойдил куч синашди. Зеро, мухлислар ҳамюртларини маҳорат мактабини ўтаб, тажриба орттираётганини ҳис этдилар. Унинг 3:6, 4:6 ҳисобида АҚШ теннисчиси М. Блэкмэнга имкониятни бой бериши ҳам шундан. Ўйлаймизки Дмитрий келажакда йирик теннисчилар сафидан ўрин олади.

Яна бир вакилимиз, мамлакатимиз теннисчилари сардори Олег Огородовдан муҳлислар умидвор. Унинг нияти олмониялик моҳир теннисчи Оливер Гроссни енгиб, курашни давом эттириш эди. Шундай бўлди 4:6, 6:3, 6:4. Шунингдек чорак финал баҳсларида Блэкмэн (АҚШ) билан Спадеа (АҚШ), Гезерер (Германия) билан Немечек (Чехословакия) ўзаро куч синашадиган бўлдилар.

Жуфт бўлиб баҳслашиш ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Теннисчиларимиздан Огородов билан Томашевич дастлабки учрашувини Гезерер билан Рэнга қарши ўтказиб, 3:6, 6:4, 6:4 ҳисобида устун келишди. Яккама-якка баҳсларда ўйиндан чиқиб қолган Алами бу галги баҳсларни муваффақиятли давом эттиришга уринмоқда. У венгриялик Ножали билан ҳамкорликда навбатдаги босқичга йўлланма олди. Эртага эса ҳал қилувчи баҳслар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жамоаси Республика радиосининг режиссёри Ғойибназар Искандаровга рафиқаси

Муҳаббат

ИСКАНДАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Сергели туман ҳокимлиги ва туман ободонлаштириш бошқармаси бошқарма бошлиғи М. М. Маҳамадалиевга онаси

Инобатхон ая

МАҚСУДХЎЖА қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат техника университетининг ректорати ва жамоаси проректор муовини, филиаллар ва кечки-сиртқи ўқув бошқарма бошлиғи доцент Мирсолиҳ Султонович Мирзараҳимовга волидаи муҳтарамалари

Салима

ФАЙЗИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 20.40.
Г—939 85501 нусхада босилди.
Навбатчилар: А. МАННОПОВ, У. ФАЙЗИЕВА.